

Эфиопия мусулмонлари Рамазонни кутиб олишди



11:00 / 16.04.2021 1051

Сешанба куни Эфиопия мусулмонлари муборак Рамазон ойини кутиб олдилар. Эфиопия Ислом ишлари бўйича олий кенгаши президенти, муфтий Ҳожи Умар Идрис, одамларни шафқат кўрсатишга ва муҳтожларга ёрдам беришга чақириб, рўза пайтида хайрия ишларига эътибор қаратди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги одамларни муқаддас ойда эҳтиёт чораларини кўришга ва қўлларини санитария қилишни давом эттиришга, ижтимоий масофани сақлашга ва пандемия олдини олиш учун ниқоб тақишга чақирди.

Анадолу агентлиги билан суҳбатда маҳаллий масжид вакили 72 ёшли Муҳаммад Али Рамазон бу йил Эфиопия мусулмонлари учун тинчлик лаҳзаси бўлишига умид билдирди. «Менинг ҳудудимдаги оқсоқоллар юртимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликка эътиборни қаратишмоқда. Рамазон ойида Аллоҳ ибодатларимизни ижобат қилиши ва Эфиопияда яна тинчликни кўришимизга аминмиз» деди.

Хуршид Маъруф тайёрлади